Солиқ тизими

# ТАДБИРКОРЛИК ВА ҚОНУН МУВОЗАНАТИ

Инглиз мутафаккири Гей «Қонунларга бўйсунмаслик ўзини нажотбахш ҳимоядан маҳрум этиш демакдир», деган эди. Қанчалар пурҳикмат ҳақиқат. Афсуски, ана шу ҳикматнинг маъносини чақмайдиган, унга зид иш тутиб нафақат ўзини, бола-чақалар, қавму қариндошлар юзини ерга қаратадиган кимсалар йўқ эмас.

***Жамоатчи мухбиримизнинг Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармаси махсус ишлар бўлимининг бошлиғи С.САПАРОВ билан қилган суҳбатида айрим салбий ҳолатлар, қонунларни бузаётган нафс бандалари хусусида сўз боради.***

- Бозор муносабатлари сиёсатдан холи бўлган эркин иқтисодиёт жараёнига ўтиб боришда тадбиркорлик фаолияти ўзига хос ўринга эга, - дейди Саидмурод Сапаров. - Ҳозирча у уч хил тарзда кўзга ташланмоқда. Чинакам тадбиркорлар янги корхоналар, цехлар очиб, ишчи ўринлари яратиб, турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариб, эл-юртга катта фойда келтирмоқдалар, бозорни имкон қадар тўлдирмоқдалар ва арзонлаштирмоқдалар. Яна бир хил тадбиркорлар бозорлардан арзон маҳсулот олиб келиб, қимматроқ пулламоқдалар. Учинчи турдагилари, уларни четлаб ўтиб, ҳокимиятдан рўйхатдан ўтмай, солиқ ташкилотларидан қочиб, рухсат этилмаган жойларда чайқовчилик билан шуғулланмоқдалар. Улардан аҳоли ҳам, давлат ҳам зарар кўраяпти.

Тадбиркорлик шу касб кишиларидан жуда катта масъулият талаб этади. Ҳалво, деган билан оғиз чучимаганидек, бу иш билан маълум муддат енгил-елпи шуғулланувчиларни асло тадбиркор деб айта олмаймиз. Тадбиркорликка қўл урган фуқаролар, унинг қийинчиликлари, масъулиятини тўла ҳис этмасалар, қонун-қоидаларнинг бузилишига йўл қўйсалар тезда синиб қоладилар ва ҳеч шубҳасиз, бу ёмон оқибатларга олиб келади. Шу боис тадбиркор энг аввало, қонун доирасида қадам ташламоғи, қонунчилик талабларини яхши билмоғи ва уларга риоя этмоғи зарур. Бир сўз билан айтганда, ҳар доим тадбиркорлик ҳамда қонунчилик талаблари мувозанати сақланишига эришмоқ шарт.

Вилоятимизда тадбиркорликни эъзозлаб халққа фойда келтираётган, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлаётганлар оз эмас. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар ўртасида қонунбузарликка йўл қўяётганлари ҳам талайгина. Қарши шаҳридаги «Баҳришоҳ» фирмасининг бошлиғи Г.Жумаев рухсат этилмаган дори-дармонлар билан савдо қилганлиги учун суд ҳукми билан 3 йил, Шаҳрисабз туманидаги «Азизжон» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Ш.Аҳмедов, Муборак туман «Юрт» кичик корхонаси бошлиғи Ж.Агажоновлар 5 йилдан, Қарши шаҳридаги «Ўзбек» ва «Гулистон» хусусий фирмаларининг бошлиғи Ж.Холбоев эса 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Ўтган йил мобайнида вилоят давлат солиқ бошқармаси, унинг жойлардаги суриштирувчилари томонидан қонун талабларини бузганларга нисбатан 155 ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилиб, белгиланган муддатда суриштирув олиб борилди ҳамда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Улар орқасида раҳбарлар, мансабдор шахслар борлиги жуда ачинарлидир. Йил давомида маъмурий жавобгарликка тортилган 8809 нафар шахсдан 3963 киши мансабдорлардир.

Ўрни келганда биз тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш» деб номланган 176-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999йил август ойидаги 373-сонли қарори талабларини яна бир карра эслатиб ўтмоқчимиз. Бозорларда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир шахс белгиланган солиқ ва савдо жойи учун ижара ҳақини камида бир ой олдин тўлаши лозим. Савдо ва хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олмаган фуқаролар бозорларда фаолият кўрсатишлари мумкин эмас. Текширувчи органлар талаб қилган пайтда тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни, савдо жойини ижарага олганликлари тўғрисидаги талонни кўрсатишлари шарт. Гувоҳномасиз ёки бошқа кишилар номига берилган гувоҳномадан фойдаланиб, савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланиш рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш деб баҳоланади. Улар МЖтКнинг 176-модда 2-қисми билан энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жаримага тортилиб, барча ашёлари мусодара қилинади. Ушбу ҳолатда ўз гувоҳномасини фойдаланиш учун бошқа кишига берган тадбиркор ҳам юқорида қайд этганимиз модданинг 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, энг оз иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача жаримага тортилади. Бунинг устига ушбу шахснинг савдо қилиш ҳуқуқи бекор қилиниб, берилган гувоҳнома чора кўриш учун тегишли ҳокимликка қайтарилади.

Айни пайтда вилоятимизда 8883 нафар фуқаро якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётир. Ўтган йили уларнинг фаолияти 4424 бор текширилди ва 3476 ҳолатда мавжуд қоида-қонунларга риоя этилмаганлиги аниқланди. Хатога, қонунбузарликка йўл қўйган тадбиркорлардан 9940,5 минг сўм жарима ундирилди. Айрим тадбиркорлар тушунтириш, огоҳлантиришларга қарамасдан, «Бетимнинг қалини - жонимнинг ҳузури» қабилида иш тутаётирлар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ҳолатларини қайта такрорлаб ЎзРЖКнинг 188-моддасига тааллуқли қисми билан жиноий жавобгарликка тортилмоқдалар.

Косон тумани фуқароси Зафар Муродиллаев худди шуларнинг биридир. У рўйхатидан ўтишдан бўйин товлаб, савдо-сотиқ фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланганлиги учун иш ҳақидан 25 фоиз жарима ундирилган ҳолда 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди. Худди шундай Косон тумани фуқаролари Рўзимурод Астанов, Галина Киргизова, Ғузор тумани фуқароси Абдужаббор Раҳмоновлар юқоридаги каби қонунбузарликлари учун тегишли жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Инсон табиати қизиқ. У айбини ҳеч қачон бўйнига олишни истамайди ва бунинг сабабчиси қилиб кимларнидир, нималарнидир кўрсатишга интилади. Айниқса, бу ҳолга солиқ ходимлари тез-тез гувоҳ бўладилар. Кўплаб тадбиркорлар соликчиларни дўқ-пўписалар, юқорида ишлайдиган акалари билан қўрқитадилар. «Ахир, неча марта огоҳлантиришди, уларнинг талабларига нописандлик қилдим» дея айбларига иқрор бўлмайдилар. Биз уларга шуни эслатиб ўтмоқчимизки, жамиятнинг ҳар бир жабҳасида бўлгани сингари тадбиркорликда ҳам қонунчилик талабларининг мувозанати сақланиши керак. Шундай йўл тутилгандагина ҳар бир тадбиркор ўзини қонунларимизнинг нажотбахш ҳимоясида эканлигини ҳис этади.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ**

> Эслатма:
>
> Асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек, унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент - жисмоний шахс доимий истиқомат жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай, жами йиллик даромад ҳақидаги декларация тақдим этади.
>
> **Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 62-моддасидан**

Айтсам тилим...

# АНОЙИ ЭМАС ЭКАН

## ёки қаршилик «Шерлок Холмс»ларнинг янги саргузаштлари

Мустақиллик шарофати билан қонун устуворлиги тобора ҳаётимизга кенг кириб бораётганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Чунки бу масала муҳтарам Президентимизнинг беш тамойилларидан бирини ташкил этади. Лекин вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш бўлган айрим шахсларнинг ўз ишига, фуқаролар тақдирига юзаки ва совуққонлик билан қараётганлиги ушбу хатни ёзишимга туртки бўлди.

Гап шундаки, 1999 йил 11 феврал куни эрталаб соат 8 дан 14 гача уйимда ҳеч ким йўқлигида ўғирлик содир бўлган. Ўғрилар бир қатор буюмлар билан бирга хотинимнинг 7 дона қимматбаҳо тақинчоғини ҳам ўғирлаб кетишган. Ўша куннинг ўзидаёқ мен Қарши шаҳар ички ишлар бўлимига мурожаат қилдим. Орадан бир ой ўтсада, ўғрилар топилмади.

1999 йил 13 март куни Тошкент шаҳрига хизмат билан келганимда, Қарши шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлими ходими Азамат Турдиев қўнғироқ қилиб, ўғирланган нарсалар топилганлигини айтиб, тезда етиб келишимни сўради. Мен эртаси куни уйга қайтиб, А.Турдиевга учрадим. У ўғирланган нарсалардан бир дона тилла билакузукни кўрсатди. Мен уни дарров танидим. Шунда А.Турдиев бошқа нарсалар ҳам топилганини, тез орада ҳаммасини қайтариб олишим мумкинлигини айтди. Барча сансоларлик ана шундан кейин бошланди. Ажабланарли томони, ўғрилар март ойида топилганлигига қарамай, тергов ишлари фақат май ойида бошланди. Шунча вақт ўтиб, ишни олиб бораётган янги терговчининг дабдурустдан билакузукдан бошқа яна нима ўғирланган, деб сўраши ҳайратимни оширди. Унгача апрел ойида бир жуфт тилла ҳалқа ва бир дона «кулон»ни ҳам кўрсатишган ва мен уларни таниган эдим. Мен терговчига А.Турдиев менга кўрсатган ва мен таниган тилла буюмларни айтдим. У эса хабарим йўқ, деб елка қисди. Қарши шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги И.Убайдуллаевдан ўғирланган нарсаларимнинг қачон қайтарилишини тез-тез сўрайверганимдан сўнг у киши ҳаммаси топилганлигини яна бир бор таъкидлаб, яқин орада қайтариб беришларини айтди.

Мақтов кимга ёқмайди дейсиз? 1999 йил 22 апрелда Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармасининг газетаси «Posbon»да «Жиноят жазосиз қолмайди» рукни остида «Анойи эмас экан» деган хабар берилиб, унда менинг уйимда ўғирлик содир этган шахслар «Энди Шерлок Холмс ҳам бизни тополмайди», деб юрган Олим Т. ва Ислом Т.ларни ички ишлар ходимлари қўлга олганлиги баён этилган. Мен газетани ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Воқеа шунча шов-шув қилинаяптики, демак, бирор натижа чиққан. Ўғрилар нарсаларимни қаерга «гумдон» қилишганини айтишса, «Шерлок Холмс»лар тезда бизга қайтариб беради, деб кутдим.

Йўқ, бекорга суюнган эканман. 1999 йилнинг июн ойларида «ишим» бир терговчи қўлидан олиниб, иккинчи терговчига ўтказилди. Ниҳоят, тергов тугаб, жиноят иши октябр ойларида Қарши шаҳар судига ўтказилган. Шуниси ажабланарлики, тергов давомида мен, яъни жабрланувчи билан жиноятчи деб топилган И.Тўрақулов бирор марта ҳам юзлаштирилмади. Иккинчи жиноятчи О.Тоштемиров эса шериги И.Тўрақуловнинг талабларига қарамай, умуман тергов қилинмади, О.Тоштемиров турли баҳоналар билан терговдан узоқлаштирилди. Бу кимга кераклиги, кейинчалик аён бўлди. Гап шундаки, ички ишлар ходими ҳамма буюмларингиз топилди, деб менинг қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириб юрган экан. Охири маълум бўлдики, энг асосий, қимматбаҳо буюмлар - бриллиант узук ва ҳалқа, 2 дона тилла ҳалқа топилмаган эмиш. Жиноятчи И.Тўрақулов бу нарсалар шеригим О.Тоштемировга аён деб оёқ тираб олди. О.Тоштемиров эса ўғирликка алоқасиз деб терговга яқинлаштирилмади. Гўё у терговда бирор сирни «гуллаб» қўядигандек...

Ушбу иш кўриб чиқиш учун Қарши шаҳар судининг судьяси Ҳасан Хаитов зиммасига юкланди. 1999 йил тахминан 22 ноябрда судья мени чақириб, жиноятчини танийсизми, деб сўради. Мен уни мактабда ўқиб юрганимда танишимни, лекин 15 йиллардан буён кўрмаганлигимни айтдим. Яна қимматбаҳо буюмлар қаерга йўқотилганлиги очиқ қолаётганини, иложи бўлса, О.Тоштемировни ҳам сўроқ қилиш лозимлигини судьядан ўтиниб сўрадим. Шундан сўнг мени умуман судга чақиришмади. Орадан бир ой ўтиб, декабр ойининг 20-кунида судья Ҳ.Хаитовга қўнғироқ қилдим, лекин телефонни котиб олиб, у киши йўқлигини ва «ишим» судда кўрилиб, ҳукм чиққанлигини айтди. Шунда мен нима учун судга чақирилмаганлигимни сўрадим. У бунга жавоб беролмади. Шундан сўнг мен ҳукмни олдим ва ўқиб, унда норози томонлар 10 кун муддат ичида Қашқадарё вилоят судига шикоят билан мурожаат этиши мумкинлиги ёзилганини кўрдим. Лекин бир нарса ачинарлики, ҳукм 1999 йил 26 ноябрда чиққан, мен эса уни 26 декабрда олдим.

**Ҳурматли таҳририят!** Сизлардан умидим шуки, Қарши шаҳар ички ишлар бўлимининг масъул ходимлари ва судья Ҳ.Хаитовнинг тергов ва суд жараёнларида йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этишга кўмаклашасиз, деб ишонамиз.

**Нўъмон АШУРОВ,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Қарши шаҳри**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Гумон иймондан айиради, дейди доно халқимиз. Юқоридаги воқеа билан танишиб, сиз ҳам шу фикрга келган бўлсангиз ажаб эмас, азиз муштарий. Тўғри-да, жабрланувчи ҳам, айбдор И.Тўрақулов ҳам минг тавалло қилиб, Олим Тоштемировни терговга келтирилишини сўрашаяпти. Аммо бу талаб на тергов давомида ва на суд тергови жараёнида қаноатлантирилмаган. Яна бир далил - терговчилар охирги дамгача йўқолган буюмларнинг ҳаммаси топилганини айтиб, уни тинчлантиришса-да, буюмлардан айримлари «топилмай» қолаётгани кишида шубҳа уйғотади. Жабрланувчи энди бутун умидини судьяга боғлаб, ундан ҳақиқатни юзага чиқаришни сўрайди. Судья айбдор И.Тўрақуловнинг талабига кўра буюмларнинг қаердалигини аниқ айтиб бериши мумкин бўлган шахс О.Тоштемировни суд жараёнига чақирмаган. Масалага ойдинлик киритиши мумкин бўлган худди шу «гумондор»нинг ўзи қолиб, унинг оила аъзоларининг тушунтиришини, яъни ўғирлик содир бўлган куни отаси Л.Тоштемиров вафот этгани боис ўғли О.Тоштемиров уйдан чиқмаганлиги ҳақидаги билдиришни «дастак» қилиб олган (О.Тоштемиров ҳам айни пайтда жазо муддатини ўтамоқда). Оқибатда иш юзаки хулосалар билан «юмалоқ ёстиқ» қилинган, тамом-вассалом! Лекин шу билан барча эътироз ва саволлар барҳам топмади. Ҳукм ортида инсон тақдири, мол-мулки масаласи ётибди, ахир! Биз бу муаммога тегишли мутасадди идоралар ўз муносабатларини билдирадилар, деб умид қиламиз. Мавзуга яна қайтамиз.

*Митти мусоҳаба*

# ФУҚАРОЛАР ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

## Бухоро вилояти Қоракўл тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Амрулло МАҚСУДОВ билан суҳбат

**- Амрулло ака, бозор иқтисодиёти ҳукм сураётган бугунги кунда кишилар қалбига йўл топиш, уларга зарур бўлган қулайликларни яратиш, кўп миллатли, сарҳади кенг туманда қонун устуворлигини таъминлаш осон кечмаётгандир?**

- Сиз таъкидлагандек, ҳақиқатан ҳам Қоракўл вилоятимизнинг катта ҳудудга эга бўлган кўп миллатли йирик туманларидан ҳисобланади. Шу боис туман меҳнаткашларининг тинчини, ҳақ-ҳуқуқини қонуний муҳофаза этиш баъзилар тасаввур қилганчалик осон эмас. Биз, қўшни Жондор, Олот туманлари, ҳамда Туркманистон Республикаси билан чегарадош бўлиб, умумий ер майдонимиз 62,543 квадрат километрни ташкил этади. Туманимизда ўнга яқин миллат вакиллари яшаб, аҳолининг умумий сони 120 минг нафардан кўпдир. Ҳозирги кунда туманимизда 3 та саноат корхонаси, 10 та қурилиш ташкилоти, 18 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 5 та маҳалла қўмиталари фаолият кўрсатмоқда, 44 та мактаб, 26 та мактабгача тарбия муассасаларида тумандошларимизнинг 35 мингдан ортиқ ўғил-қизлари таълим олади.

Туманимиз асосан пахтачиликка ихтисослашганлиги боис 18 та жамоа ва ширкат хўжалиги пахтачилик билан шуғулланади. Ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари кишиларнинг қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, ҳақ-ҳуқуқларининг камситилишига қарши аёвсиз кураш олиб бориб, миллатлар ўртасида нифоқ солиш йўлидаги баъзи уринишларга қақшатқич зарба бериб, уларнинг тинч-тотув, фаровон яшашини таъминлаб келмоқдалар.

**- Хизмат юзасидан жиноий ишларни кўриб чиқишингиз табиий. Айбдорларни жазолаётган пайтингизда ҳам ота, ҳам ҳуқуқшунос сифатида хаёлингиздан нималар кечади?**

- Хаёлимдан ўтган нарса, уни суд курсисига, жиноят кўчасига киришга нима мажбур қилди экан, деган ўй. Иккинчидан, ушбу жиноятчи жазони ўташ даврида ўз хатосини тушуниб етармикин, тузалармикин, деб ўйлайман.

**- Қабулингизда чекка қишлоқлардан одамлар турли арз, шикоят билан келишганига гувоҳ бўлганман. Уларнинг дардига малҳам бўлиш осон бўлмаса керак?**

- Аввало, ҳеч кимнинг иши бизга тушмасин. Вазият тақозоси билан қандайдир ечим излаб келишса, маслаҳат берамиз, қонун доирасида шикоятчининг арз-додини ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиламиз.

**- Халқимизда бир болани етти маҳалла тарбиялайди, деган гап бор. Ҳозирги пайтда ёшлар тарбиясида маҳалланинг роли қандай?**

- Болалар тарбияси ҳақида сўз кетганда, аввало маҳалла номининг тилга олиниши бежиз эмас. Ахир, маҳалланг - ота-онанг, деб бежиз айтилмаган. Инсон вояга етгунга қадар шу туғилиб ўсган маҳалласи, ёшу қариларининг кўз ўнгида ўсиб улғаяди, унинг юриш-туриши ҳам шу маҳалланинг катта-ю кичиги назарида бўлади. Эътибор бериб кўрингчи, маҳаллада бирон-бир бегона одам пайдо бўлса дарров билинади-қўяди. Шунинг учун маҳаллада ҳамма бир-бирининг кўзи олдида туради. Ёшларни тарбиялашда маҳалланинг роли беқиёслиги барчага маълум. Лекин кўп жойларда айрим маҳалла оқсоқоллари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари масъулиятини, ҳушёрликни унутиб қўйганликлари ҳам бизга қимматга тушмоқда. Бундай ачинарли фактлар Қоракўл, Охунбобоев, Дўстлик, Иттифоқ, Зарафшон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Шунинг учун ҳам «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун асосида фаолият кўрсатаётган маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари ўз ҳудудларида маънавий-маданий ишларга эмас, балки барча қонунбузарлик билан боғлиқ ишларга ҳам бош-қош бўлишлари лозим. Шундагина биз кўзлаган мақсадга эришамиз.

**Суҳбатдош: Рашид АСЛОНОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Диққат, янгилик*

# МИЛЛИЙ СИНФ

Ўзбек қизларининг иболи, хаёли, теран фикрли, нозик табиатлилиги барчага хуш ёқади. Тўғрироғи, миллий урф-одатларимизга жуда мос келади. Бу йил илк марта Пискентдаги 27-мактабда 26 нафар иқтидорли қизлардан иборат миллий синф ташкил этилди. Синф раҳбари этиб тиришқоқ, сўзамол, ташкилотчи ўқитувчимиз Баҳринисо Рустамова тайинланди.

Ўқитувчимиз раҳбарлигида аввало сўзлашиш, суҳбатлашиш, саломлашиш одатларини ўргандик. Улар ҳақиқий ўзбек қизларига хос фазилатларни тушунтириб, бизларга доимо хушхулқ ва латофатли бўлишни уқтирадилар.

Ҳаракатларимиз тез орада ўз самарасини бермоқда. Синфимиз доимо ораста. Ҳар бир мавзуда мустақил фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Эркин темаларда ўз маҳоратимизни синаб кўраяпмиз. Синфдошлар беллашувларда бир-бирмиздан ортда қолмаслик учун кўпроқ ўқиш-ўрганишга ҳаракат қилаяпмиз. Латофат Тешабоева, Гўзал Бўриевлар ўқишда барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Назира Жўрақулова, назокат Абдураимовалар республика радиосининг «Ёшлар» радиоканалида ўз мулоҳазаларини баён этишди. А.Абдураимованинг матбуотда мақоласи чоп этилди.

Келажак орзуларимиз бир олам. Албатта, барчаси ушалишига ишонамиз. Чунки бу ўзимизнинг изланиш, интилишимизга, унутилаётган урф-одатларимизни қарор топтиришимизга боғлиқ.

**Ҳулкар ТУРҒУНОВА**

*Қонун устуворлиги асосий мезон*

# САВДО ҒАВҒО БЎЛМАСИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотишни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида туманимиз давлат солиқ инспекцияси ходимлари кейинги ойлардан жойларда бир қатор назорат-текшириш ишлари ўтказдилар.

Текширишлар шуни кўрсатдики, айрим шахслар савдо-сотиқ соҳасидаги тартиб-интизомга жиддий риоя қилмайдилар. Бу соҳадаги белгилаб қўйилган қонун-қоидаларни тўғридан-тўғри бузиб, таъқиқланган нарсалар билан очиқдан-очиқ савдо қилаверадилар. Бозорлардаги мутасадди кишилар бундай тартиббузарликларга жиддий эътибор бермайдилар. Бозорда ноқонуний равишда савдо қилаётганларни кўра-била туриб, кўпинча ўзларини кўрмаганга олиб, ўтиб кетаверадилар. Бундай қулайликдан фойдаланувчи қонунбузарлар ўзларини эркин сезиб, очиқ, савдо қилаверадилар. Шунинг учун ҳам туманимиздаги қонунни ҳимоя қилувчи ташкилотлар ходимлари томонидан ўтказилаётган текширувларда ҳар дафъа бир неча қонунбузар кишилар аниқланиб, улар тартибга чақирилади. Масалан, ўтган ойда Мирбозор қўрғонидаги «Жаҳон бозори»да ўтказилган текширувда Оқтош шаҳрининг И.Бухорий кўчаси, 69-уй, 5-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Холдона Ҳусанованинг сотиш учун олиб келган 20 шиша ароқ маҳсулотлари олиб қўйилиб, давлат фойдасига мусодара қилинди. Янгиариқ кўчаси 3-уйда яшовчи Сабоҳат Ражабова ҳамда Х.Ҳусанова бойишнинг ягона йўли - ароқ савдоси билан шуғулланиш, деб ўйлаган экан. Улар бу ишга ҳеч иккиланмай қўл урган. Ҳар иккала қонунбузарга нисбатан маъмурий тартибда чора кўрилди.

Мирбозор қўрғонида яшовчи фуқаро Раҳим Мавлонов ҳам худди шундай бозор ҳудудида ароқ савдоси билан шуғулланаётган пайтида назоратчиларимиз томонидан тўхтатилиб, фаолияти қонунга зид эканлиги унга тушунтирилди. Ундан маъмурий жарима сифатида 8750 сўм пул ундирилиб, 43 шиша «Зарафшон» маркали ароқ маҳсулоти давлат фойдасига мусодара қилинди. Оқтош шаҳар Қ.Суюнов номли кўчада истиқомат қилувчи фуқаро Мўмина Абдуллаеванинг нафси беҳад баланд экан. У 160 литр спиртни сотмоқчи бўлаётганида ушланиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, иши чора кўришлик учун туман судига юборилди. Пахтачи туманидан келган Баҳодир Раҳимов эса бу ерда 90 қути акциз маркасиз тамаки маҳсулотини қонунга зид равишда сотаётганида унинг фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Бозорларда ўтказилган текширув ва чора-тадбирлар пайтида булардан ташқари яна ўнлаб ноқонуний ҳолатлар аниқланиб, 69 дона 100 граммли «Русская водка» ароғи, 11 дона «Лимон» ароғи, 16 шиша «Ўзбекистон» виноси, акциз маркасиз 72 қути «Астра», 8 қути «Хон» тамаки маҳсулотлари ҳамда 81 килограмм ўсимлик ёғи қўлга олиниб, қонуний ҳужжатлаштирилди ва давлат фойдасига мусодара қилинди.

Оқтош шаҳар, Ислом Назар кўчаси, 35-уйда яшовчи Ойбек Ҳасанов деган фуқаро Н.Ўринов номли маҳаллада жойлашган доимий ошхонада ишлайди. У хўрандаларга таом тайёрлаб сотиш билан шуғулланади. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан унга қайд гувоҳномаси берилган. Шундай бўлса-да, О.Ҳасанов ўтган йили икки маротаба қонунбузарлик ҳолатини содир этган. Даставвал унга нисбатан иш фаолиятида касса назорати-машинасисиз, таомномасиз, калькуляциясиз таом тайёрлаб сотганлиги учун маъмурий тартибда чора кўрилган эди. Аммо у бу маъмурий жазодан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Йўл қўйган камчиликларини тузатиш ўрнига савдо қоидаларини яна дангал буза бошлади. Бу қонунбузарлик энди О.Ҳасановга қимматга тушадиган бўлди. Ҳозирги пайтда унинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, ҳужжатлар ички ишлар бўлимига тергов олиб бориш учун топширилди.

Ким бўлишларидан қатъий назар, ҳар бир фуқаро қонунни ҳурмат қилиши ўз фаолиятида унинг ҳар бир кўрсатмасига амал қилишлари лозим. Бизда қонун устуворлиги асосий мезон.

**Мамадиёр НУРИМОВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Нарпай туман**
**давлат солиқ**
**инспекцияси бошлиғи**



*Ё ажаб!*

# МОЛ ЎҒРИСИ - ЖОН ЎҒРИСИ

Бу қадимий нақлда пул ўғирлатганнинг ҳуши бошидан учиши, мол ўғирлатганнинг жони ҳалқумига келиши рўй-рост айтилган. Пул ёки мол ўғирлаганнинг хонумони куйиб кетиши ҳам шу мақол замирига ўхшатиб жойланган.

Усмон Юсупов туманининг Булич қишлоғида яшайдиган ва ҳеч қаерда ишламайдиган, текинтомоқлик билан кун кечиришга одатланган Уйғун Раҳимов тоғни урса талқон қиладиган қишлоқдошлари Севиндиёр Муқимов ва Шодибек Сабдоровлар билан ўзаро тил бириктириб мол ўғирлаб, бирданига бойиб олиш учун ярим тунда ҳеч қаерда рўйхатда турмайдиган Урал-Днепр кажавали мотоциклга ўтириб, Баҳористон туманидаги 29-хўжаликнинг 2-бўлими даласига келадилар. Бу ерда далага боғлаб қўйилган 2 ёшли ғунажинни устакорлик билан мотоциклга жойлаб, Касби туман Миришкор қишлоғидаги мол бозорига етиб келишади. Усмон Юсупов тумани Женов қишлоғида яшовчи Йўлдош Нурмуҳаммадга 25 минг сўмга сотиб юборадилар ва пулини тенг бўлиб оладилар. Текинтомоқ бирданига тешиб чиқмас экан. Мазахўрак бўлган ўғрилар Уйғун Раҳимов ва Шодибек Сабдоровлар жиноий қилмишини давом эттириб, қишлоқдошлари Жониев Элдиёрни ҳам шерик қилиб олиб, яна ўша мотоциклда Муборак тумани Қарлиқ қишлоғида далага боғлаб қўйилган Зулфиев Жониқулга тегишли қизил тусли 2 яшар сигирни ўғирлашиб, қишлоқдошлари Маҳманазаров Кўчарга 25 минг сўмга пуллашади, сўнгра ҳеч нарса кўрмагандай ялло қилиб юравершишади. Бозор нархидан қарийб тенг баравар арзон нархда мол сотиб олган Кўчарвой ҳам ҳеч кимга лом-мим демайди. Чаён чаққаннинг уйқуси келиши мумкин, бироқ мол йўқотганга уйқу қаёқда дейсиз. «Ўғри» ҳикоясидаги ҳўкиз йўқотган Қобил бобонинг ҳолатини эсланг. Мол эгалари ҳукумат посбонларига мурожаат қилишади. Ўғри шохида юрса, посбонлар баргида юриб, жиноятни «иссиғида» очиб, ҳеч нарса кўрмагандай яйраб юрган мол ўғриларини топиб, йўқолган молларни эгаларига қайтаришди. Муборак туман суди ўғриларнинг қора қилмишлари устидан адолатли ҳукм чиқарди. Текин томоқ секин бўлса-да, тешиб чиқади, ахир...

**Ғози РАҲМОН,**
**«Инсон ва қонун»**
**мухбири**

*Ишқ бошқа, ҳавас бошқа*

# ЎЙЛАМАЙ ТАШЛАНГАН ҚАДАМЛАР



Эндигина мустақил ҳаёт сари қадам ташлаётган ёшлар аксари ҳолларда эҳтирос ва қизиқиш оғушида бўлади. Шу боис бу даврда атроф-муҳит - ота-она, маҳалла, мактабнинг таъсири муҳим ўрин тутади. Аммо ҳар бир шахс ҳаётида салмоқли ўрин тутиши лозим бўлган ана шу омилларнинг, аввало, ота-оналарнинг бепарволиги оқибатида қанча-дан-қанча кўнгилсизликлар содир бўлади.

Албатта, бундай бепарволикнинг бир талай сабаблари бор. Аммо асосийларидан бири, ҳуқуқий маърифатсизлик, ҳуқуқий тарбиянинг тўғри йўлга қўйилмаганидир.

Айнан ҳуқуқни етарли даражада билмаслик оқибатида ўсмирлар катта ҳаёт остонасига ташлаган илк қадамлариданоқ нотўғри йўлларга кириб кетмоқда, бахту саодат илинжида амалга оширмоқчи бўлган режалари охир-оқибатда беҳуда ташвиш, ғам-қайғу келтирмоқда.

Маълумки, халқимизда «Муҳаббатнинг кўзи кўр» деган ҳикматли нақл бор. Дарҳақиқат, қалб эҳтирослари оқимида муҳаббат дардига мубтало бўлган киши, айниқса, ёшлар қилаётган ишининг орқа-олдини кўп ҳам ўйлаб ўтирмайди, уларнинг вужудида ақл-идрокдан кўра эҳтирос устунлик қилади.

Мен ўзимнинг терговчилик иш тажрибамда ўткинчи эҳтиросларга алданиб, нотўғри қадам ташлаб қўйган тақдир эгаларини анча-мунча учратганман. Масалан, Мирзаобод тумани, «Оқ олтин» жамоа хўжалигида яшовчи У. исмли йигит ўша туманнинг «Дўстлик» ёрдамчи хўжалигида истиқомат қилувчи, ҳали ўн олти ёшга тўлмаган Л. исмли қизни яхши кўрган. Улар тез-тез учрашиб, бир-бирига муҳаббат изҳор этган. Ёш қалблардаги ишқ алангаси борган сари кучаяверган. Ниҳоят, улар турмуш қуришга қарор қилади. Кўрдингизми, ҳуқуқлардан бехабарлик қандай оқибатларга олиб келади! Ҳолбуки, қиз ҳали балоғат ёшига етмаган! Ёшлар-ку, майли тажрибасиз. Аммо катталарнинг ҳам кўра-била туриб бу ишнинг олдини олмагани - ёшларга бироз сабр қилиш лозимлигини тушунтирмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Бўлғуси куёв бола У. севгилиси Л.нинг ота-онасига уйланиш ниятини айтганда, улар индамай рози бўлиб қўя қолишади. У бўлажак қайлиғини уйига олиб келиб, ота-онасига таништиради. Ахир, ўзингиз ўйланг, ўзбекчиликда уйланиш шунақа бўладими? Одоб, андиша деган нарсалар қаерда қолди? Ахир, ота-она: «Бировнинг қизини нега индамай етаклаб келаяпсан», деб ўғлини тергамайдими? Ота-оналарнинг лоқайдлигидан фойдаланган «куёв» «келин»ни отасининг уйи торлиги учун акасиникига олиб боради. У.нинг онаси «келин-куёв»ни «никоҳлаб» қўяди. Шундан сўнг «куёв» У. балоғат ёшига етмаган, эндигина тўққизинчи синфни тугатган «келин» Л. билан «эр-хотин» бўлиб яшай бошлади.

Ўзингиз ўйланг, бундай хатти-ҳаракатлар на қонунга, на миллий қадриятларимизга тўғри келади. Энг ёмони, бундай ноқонуний, ношаръий ишлар катталарнинг иштирокида, уларнинг бевосита қўллаб-қувватлаши оқибатида юз бермоқда. Табиийки, бундай «ҳамкорлик» жамиятимиздаги ахлоқ мезонларига, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Қонунчилигимиз эса бундай нохуш ҳолатларга лоқайд муносабатда бўлолмайди.

Сирдарё вилояти Гулистон тумани, Ҳамид Олимжон жамоа хўжалигида яшовчи О.нинг «куёв» бўлиш йўлидаги интилишлари ҳам яхшиликка олиб келмади. У ўзининг ҳамқишлоғи бўлган А. исмли қиз билан севишиб, учрашиб юрарди. Қиз ҳали 16 ёшга тўлмаган эди.

1999 йил 16 август куни соат саккизларда О. опасининг уйидан қайтиб келаётган А.нинг йўлига чиқиб, сайр қилишни таклиф этади. Қиз рози бўлади. Севишганлар кўздан панароқ бўлсин деб, Мирзаобод тумани «Оқ олтин» жамоа хўжалиги ҳудудига ўтади. Йигит қизга севги изҳор қилади, уни бағрига босади ва эҳтиросга берилиб, унинг иффатига тегиб қўяди. Қизнинг ота-оналари унинг тунда йўқолиб қолганидан хавотирланиб, қаёққа ғойиб бўлганини сўраганларида, у бўлган воқеани айтиб беришга мажбур бўлади. Ўртада жанжал бошланади, бу ишга ҳуқуқ-тартибот идоралари аралашади.

Ана кўрдингизми, ўйламай қилинган ишнинг касри қанчалар ёмон! Муддатидан олдин «куёв» бўлишга ошиққан ўша «ошиқ» йигит энди ота-онаси, опасинглисининг кўзига қандай қарайди, қишлоқда қандай бош кўтариб юради?

Бундай ўйланмай ташланган қадамлар, аввало, улар ўқишаётган оила ва мактабда таълим-тарбиянинг етарли эмаслиги, уларга ҳуқуқий билимлардан ҳали ҳам кўнгилдагидек сабоқ берилмаётгани оқибатидир. Қолаверса, улар айрим ёшларимизнинг ҳуқуқий савияси ниҳоятда паслигидан далолат беради.

Севиш, севилиш, оила қуриш - инсон тақдиридаги энг масъулиятли жараёнлардир. Уларга енгил-елпи ёндашиш ярамайди. Чунки оила - бахт қўрғонидир. Ёшлик эҳтиросини қондириш учун оилани баҳона қилиб, бокира қизларнинг ҳаётига чанг солиш эса жиноятдир. Бундай жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмагай!

**Раҳматилла АБДУРАСИМОВ,**
**Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани прокуратураси терговчиси**



Саёқ юриш, мақсадсиз тентираш - ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Айниқса, болаларнинг ўз ҳолича кўча-кўйда санғиб юриши мудом хунук оқибатларга сабаб бўлади.



*Қилмиш-қидирмиш*

# САЁҚ БОЛАЛАР ҚИСМАТИ

Халқимиз бежиз «Бола - бошидан» деб айтмаган. Чунки болани бошидан, ҳали онги ва дунёқараши бузилмаган пайтдан яхшиликка ўргатсангиз, у умрбод яхшилик йўлидан юрадиган бўлади.

Лекин, афсуски, бу оддий ҳақиқатни ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. Айримлар ўз болалари тақдирига лоқайд қарайди, ўзи катта бўлиб, бир йўлини топиб кетар, деган хомхаёл билан яшайди. Ота-онанинг бепарволигини кўрган мактаб, маҳалла-кўй ҳам уларнинг тақдирига қизиқмай қўяди. Натижада болалар турли қинғир йўлларга кириб кетади, ёмон ниятли кишиларнинг тузоғига тушиб қолади.

Суд амалиёти жараёнида бундай ачинарли воқеалар, болалигиданоқ йўлдан адашган болаларнинг жиноятга қўл уриши оз бўлса-да, учраб туради. Уларнинг ҳар бири киши қалбида чуқур изтироб қўзғайди. Беихтиёр жамиятимиз бағридаги бундай иллатларни тугатиш ҳақида ўйлай бошлайсиз.

Қўқон шаҳар суди 1993 йил 13 октябр куни бўлиб ўтган мажлисида ана шундай нохуш ҳолат - вояга етмаган болалар томонидан содир этилган жиноятларни кўриб чиқди. Айбланувчилар Нозим Юсупов ва Нодир Багировлар эндигина 16 ёшга қадам қўя бошлаган.

Нозим Юсупов 1999 йил 15 июндан 16 июнга ўтар кечаси тергов жараёнида шахсини тўлиқ аниқлаш имкони бўлмаган Равшан, Зокир, Иброҳим исмли фуқаролар билан бирга Қўқон шаҳридаги Амир Темур кўчасида жойлашган хусусий дўконга ўғирликка киради. Улар эшик қулфини бузиб, дўкондан юз шиша ароқни олиб чиқиб кетади. Шу тариқа дўкон эгасига 40.000 сўмлик моддий зарар етказади.

Нозим Юсупов бу билан ҳам кифояланмай, ўғрилик борасидаги «изланиш»ларини яна давом эттиради Нодир Багиров билан тил бириктириб, 1999 йил 22 июн кечаси Қўқон шаҳридаги «Ором» қаҳвахонасига тегишли биллярдхонадан ўғринча кириб, 4 дона кий, 16 дона биллярд соққасини ўмариб кетади. Шу тариқа биллярдхона эгаси Абдулла Ёдгоровга 40.000 сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Тергов жараёнида биллярдхонадан ўғирлаб кетилган мол-мулк топилиб, эгасига топширилди. Аммо хусусий дўкондан ўмарилган ароқларни топишнинг имкони бўлмади.

Тергов пайтида маълум бўлдики, Нозим Юсупов мактабда 9-синфгача ўқиган, ҳеч қаерда ишламаган. Нодир Багиров эса бор-йўғи тўрт синфни тугатган, бирор ишнинг бошини тутмаган. Уларнинг жиноят кўчасига кириб қолишининг бош сабаби ҳам машғулоти бўлмаганидандир.

Яна иккита вояга етмаган жиноятчи: Муҳсин Каримов ва Раҳим Ҳошимовларнинг қилмиши мисолида ҳам мақсадсиз тентираб юришнинг оқибати қандай ачинарли бўлишини кўриш мумкин. Муҳсин Каримов 1982 йилда туғилган, маълумоти 9 йиллик. Раҳим Ҳошимов 1983 йилда туғилган, маълумоти ўрта.

Улар бир гуруҳга бирлашиб, хонадонларни тунаш билан шуғулланишган. 1999 йил 24 июндан 25 июнга ўтар кечаси бу икки саёқ ўғри Қўқон шаҳар, Муқимий шаҳарчаси, 44-уй, 26-хонадонга эшик қулфини бузиб, ўғринча кириб олишади ва бу ердан уй эгаларига тегишли жами: 42.600 сўмлик кийим-кечак ва буюмларни олиб чиқиб кетади.

Бу икки жиноятчининг қилмишлари 1999 йил 27 октябр куни Қўқон шаҳар судида кўриб чиқилди.

Суд мажлислари жараёнида номлари зикр этилган тўрт ўсмир жиноятчи ҳам ўз қилмишларидан пушаймонлигини билдирди. Аммо кейинги пушмон - ўзингга душман, деган гап бор. Ахир, одам бирор бир ишга қўл уришдан аввал ўз-ўзига савол бериши, шу ишим тўғрими, деб ўйлаб кўриши лозим эмасми?!

Суд ҳукмига кўра тўртта жиноятчига ҳам беш йилдан қамоқ жазоси берилди.

Беш йил ҳам ўтиб кетар, лекин беҳудага соврилган умр қайтиб келмайди. Айни ўқиш-ўрганиш, камол топиш даврида, ёшларга барча имкониятлар яратиб берилаётган замонда нопок йўлларга кириб кетиш бориб турган ноинсофлик эмасми?

Бундай нохуш ҳолатлар ҳар биримизни ўйга солиши, барчамиз улардан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур.

**Ҳақназар МАНАЗАРОВ,**
**Қўқон шаҳар судьяси**



# МАҚСАД: ХАЛҚ ТИНЧЛИГИНИ САҚЛАШ

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлашни доимо ўзларининг биринчи даражали вазифалари, деб биладилар. Шунинг учун шаҳар аҳолиси яшайдиган жойлар, маҳалла-кўй ҳамда одамлар ҳордиқ чиқарадиган жойларда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни иссиғида очиш мақсадида турли хил мавсумий ва доимий тадбирлар ташкил этилади. Ўтган йили 15 сентябрдан 5 ноябрга қадар «Тун» тадбири уюштирилиб, бошқармамиз ходимлари раҳбарлигида жойларда тунги хизмат қилиш постлари ташкил қилинган эди. Назорат натижалари вақтида тезкорлик билан таҳлил қилиниб, лозим чоралар қўлланиб борилди.

Ўтган йилнинг 14 декабридан 2000 йилнинг 8 январига қадар муддат орасида эса шаҳарда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида кенг қамровли «Тозалаш» ва «Антитеррор» деб номланган махсус тадбир уюштирилди. Бу тадбир ўз самарасини берди. Шаҳарда вазиятнинг бирмунча барқарорлаштирилишига эришдик. Бу тадбирда икки минг икки юздан ортиқ ички ишлар ходимлари ва қўшимча куч воситалари, жамоатчилик вакиллари, «Маҳалла посбонлари» қатнашиб, ҳамкорликда иш олиб бордилар.

Тадбир даврида бир неча юз жиноят содир этилгани қайд этилди. Шулардан кўплари жамоат жойлари ва кўчаларда содир бўлди. Ушбу жиноятларнинг 384 таси ўз вақтида «иссиқ изидан» очилишига эришилди. Шунингдек, аввал содир этилиб, очилмай қолган жиноятлардан 106 таси очилди. Қидирувда бўлган жиноятчиларнинг 55 таси қўлга олинди. Гиёҳванд моддалари билан боғлиқ бўлган 80 та жиноят аниқланиб, улардан 2 килограмму 359 грамм гиёҳванд моддалари олиниб, йўқ қилинди.

Ўтган йил охири ва янги йил бошида ўтказилган бу икки тадбир пайтида анчагина майда безорилик қилган шахслар: санитария қоидаларини бузганликлари, жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилганликлари пайтида қўлга олиниб, маъмурий баённомалар тузилди. Бир қанча шахсларнинг дайдилик билан шуғулланиб юрганлари аниқланиб, туман прокурорларининг санкцияси билан қабул қилиш ва тақсимлаш муассасасига жойлаштирилди. 78 нафар муқаддам судланган шахслар профилактика инспекторлари ташаббуси билан маъмурий назорат остига олинди. Бу даврда жамиятдаги ахлоқий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича ҳам бир қатор тезкор ишлар амалга оширилиб, икки юздан кўпроқ фоҳишабозлик билан шуғулланадиган ахлоқи бузуқ аёллар қўлга олинди. Текширишда улардан саксон етти нафари тери-таносил касаллигига чалинганлиги аниқланиб, даволаниш диспансерларига ётқизилди.

Бу тадбир пайтида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш бўйича ҳам қатор камчиликлар аниқланилиб, 424 та шахсга жарима солинди. Йўл-патрул хизмати ходимлари ҳушёрликни ошириб, 14 мингта яқин йўл қоидасини бузувчиларни аниқлаб, улардан давлат фойдасига икки ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Ички ишлар ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш учун курашни кучайтириш билан бир қаторда янги йил муносабати билан 6-7 январ кунларида христиан динига мансуб аҳолининг «Рождество» байрамини, 7-8 январ кунлари эса умуммусулмон аҳлининг Муборак рамазон ҳайити маросимларини ўтказиш кунларида халқнинг яхши дам олишларини уюштириш учун махсус қарорлар қабул қилиб, 29 декабрда «Халқлар дўстлиги» саройида Президент арчасини, мустақиллик майдонида 31 декабрдан 2000 йилнинг 11 январигача катта арча байрами тадбирларини, Хадра майдонида, Сайилгоҳ кўчасида, «Туркистон» саройи, Алишер Навоий номидаги театр ва айрим вазирликлар бинолари олдида Янги йил байрами тадбирларини хушчақчақлик ҳамда тартиб-интизом билан ўтказилишида ўз ҳиссаларини қўшдилар. Мактаб ўқувчиларининг қишки таътили даврида шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг ташаббуси билан «Эльбурус», «Камалак», «Семурғ», «Меҳржон» оромгоҳларида уюштирилган концерт, кўрик-танловлар ва сайлларда болаларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил этишда намунали хизмат олиб бордилар.

Юқорида қайд этилган кенг кўламдаги тадбирлар ўз самарасини бераётир, албатта. Шаҳар фуқароларининг тинчлик ва осойишталигини сақлашдек шарафли вазифани асосий бурчлари деб билган пойтахт ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими ўз постларида доимо ҳушёрдирлар.

**Нурмуҳаммед АКРОМОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Профилактика ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини**

## УЯТЧАН ЎҒРИ

*Бу ажиб дунё*

**Тюменда ҳар куни ўнлаб одамларнинг бошидан қимматбаҳо ҳайвон терисидан тикилган қалпоқларни олиб қочишмоқда.**

**Ёш йигит навбатдаги наркотик моддани сотиб олиш учун, пул топиш ниятида бўлса керак, кечки пайт кўчада кетаётган қизнинг бошидаги чиройли қалпоқни мўлжалга олди. У пойлаб тез чопиб борди-да, қалпоқни юлқиб олди-ю, шошилиб, юзи билан электр тўсинга урилди. Шундай урилдики, ўрнидан туролмай қолди. Қиз эса йигитга яқинлашиб, қалпоғини олди ва босқинчи-безорига ўрнидан туришга ёрдамлашди. Шу яқин ўртадаги «Тез ёрдам»га олиб бормоқчи эди, йигит уялиб... кўнмади.**

**М.ЖАЛИЛОВА тайёрлади**



# ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

***Соғлом авлодни фақат шахснинг жисмоний баркамоллиги маъносида англаш - тўғрими?***

Жисмоний бардамлик билан маънавий-маърифий, ғоявий ва руҳий етуклик намуналарини ўзида тўла мужассамлаштира ва уйғунлаштира олган ёшларгина соғлом авлод сирасига кирадилар. Бу каби истеъдод ва истиқбол соҳибларини камолга етказмоқ эса устоз-мураббийлар, илм-маърифат ва касб-ҳунар даргоҳларининг вазифаси. Замонавий ёшларни тарбияламоқ учун замонавий услублар, ёндашувлар, дастурларга суянмоқ зарур. Ана шу мезонларга амал қилган Нукус Давлат Университети қошидаги Академик лицей жамоаси ўтган йили мамлакат ёшларининг «Сиз қонунни биласизми?» танлови ғолиби бўлди.

Мазкур янги йўналишлар, уларнинг мазмун ва моҳияти масалалари Урганч Давлат Университети қошидаги Академик лицейда «Соғлом авлод йили» муносабати билан ўтказилган республика семинар-кенгаши қатнашчиларининг диққат марказида турди. Ҳуқуқий таълим маънавий тарбиянинг таркибий қисми сифатида машғулотлар дастуридан кенг ўрин олмоғи зарурлигини нотиқлар алоҳида таъкидлашди.

«Академик лицейларда ўқув-услубий, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш» мавзусидаги мазкур семинар-кенгаш иштирокчиларига Хоразм вилояти ҳокими йўллаган табрик хати ўқиб эшиттирилди. Вилоят ҳокимнинг ўринбосари Б.Раҳимов, Республика ўрта-махсус касб-ҳунар таълими маркази раҳбарининг ўринбосари Р.Ниматов, Урганч Давлат Университети қошидаги Академик лицей директори К.Матқулиев, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими Ж.Ҳусанов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўқув-тарбия ва маънавий-маърифий таълимнинг долзарб масалалари ютуқлар ва муаммоларга эътибор қаратдилар.

Семинар-кенгашда баён этилган ушбу камчилик ва етишмовчиликларни қаламкашлик фаолиятимиз боис Хоразм вилоятининг кўпгина касб-ҳунар таълими муассасаларида ҳам кузатганмиз. Ёшлар тарбияси, касб-ҳунар таълими бўйича ажратилаётган моддий ва молиявий воситаларнинг оқилона ишга солинмаслиги, кўпгина устоз-муаллимларнинг билими ва малакаси саёзлигича қолаётгани, ўқув бинолари ва устахоналарининг аянчли ҳолати, бизнингча, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарларини сўздан кўра амалий ишларга кўпроқ ундамоғи керак.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Урганч Давлат Университети қошидаги Академик лицей мамлакатимиздаги турдош таълим даргоҳлари орасида энг илғорлардан саналади. Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан семинар-кенгашга ташриф буюрган соҳа мутасаддилари намунали жиҳозланган фан хоналарини кўздан кечирдилар.

**А.СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Бир шикоят изидан*

# ТУРНАНИНГ ОЁҒИ ЎЗИДАН УЗУН

Орамизда кўмакка муҳтож кишиларнинг бошини силайдиган, яхшиликни ўзида мужассам этган хайрихоҳ инсонлар бор. Уларнинг хайрли ишларини кўриб, офаринлар айтасиз. Аммо биз ҳикоя қилмоқчи бўлган «қаҳрамон» бундай одамлар тоифасидан узоқроқ. Очиғи, саховат қилишда у бошқача, эгри йўлни маъқул кўрган амалдорлардан... Ҳарқалай турнанинг оёғи ўзидан узун, деб шундайлар ҳақида айтишса керак.

Абдулла Муродов Денов шаҳар улгуржи чакана савдо матлубот ҳиссадорлик жамиятига раислик қилган пайт қулочини кенг ёйиб, нуқул ўзининг қариндошларию, таниш-билишларига саховатлар кўрсатишда «намуна» бўлди. Ҳе йўқ, бе йўқ, жамиятга қарашли ҳиссадорларнинг мулкини ўзи билганича «туҳфа» қилиб юборди: бирига машина сотди, иккинчисига савдо дўконини совға қилди. Хуллас, амалдорнинг «саховати»дан кўплар баҳраманд бўлди. Оқибатда ҳиссадорлар орасида норозилик, ўзаро низолар, ариза ва шикоятлар ёзиш авж олиб, жамоада носоғлом муҳит пайдо бўлди.

1995 йили ана шу савдо ташкилотида узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган Аҳрор Ражабов ҳам кўплар қатори ҳукуматимиз яратган имкониятлардан фойдаланиб, дўконни хусусийлаштириш учун матлубот жамияти раиси А.Муродов, вилоят, туман раҳбарлари номига ариза ёзди. Ариза ёзди-ю, унинг ортидан оз эмас, кўп эмас, роса беш йил саргардон бўлди. Ўн нафар фарзанднинг отаси Аҳрор Ражабов бу орада туппа-тузук миниб юрган машинасини сотди, қарз-ҳавола қилиб маблағ тўплади ва раис Абдулла Муродов ҳузурига бир неча марта аризани кўтариб борди. Жамият раиси эса: «Сенга сотиладиган дўкон йўқ» деб рад жавобини берди.

Бироқ Аҳрор Ражабов ҳам бўш келмади. Аризасидан нусха олиб, «Ўзбекбирлашув»га олиб борди. Нуфузли ташкилотдан Денов шаҳар матлубот жамияти раиси А.Муродовга, вилоят матлубот ҳиссадорлик компанияси раҳбариятига дўконни хусусийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш лозимлиги таъкидланган махсус хат келди. Раис юқори ташкилотнинг алоқа хатига бир назар ташлади-да, уни стол тортмасига ташлаб қўйди ва: «Иним, очиғини айта қолай, сенга сотиладиган дўкон ҳали қурилгани йўқ. Қачон қурилиб битишини ўзим ҳам билмайман» дея А.Ражабовга қисқа жавоб қилди ва бу билан Аҳрорнинг не-не умидларини пучга чиқарди.

Орадан бир ой ўтгач, А.Ражабов яна «Ўзбекбирлашув»га борди. «Ўзбекбирлашув» бошқармасининг юридик бўлими бошлиғи М.И.Каплун имзоси билан ёзилган алоқа хатини раисга киритди. Унда: «Сиз кўтарилган масала юзасидан амалий чоралар кўриб, бажарилган ишлар юзасидан «Ўзбекбирлашув» бошқармасига ахборот беришингиз сўралади» дейилган эди. Бу кўрсатмани ҳам раис А.Муродов мижжа қоқмасдан архивга ташлаб юборди.

Матлубот ҳиссадорлик жамиятининг бир ҳиссадори йиллар бўйи сарсон-саргардон бўлиб юрган бир пайтда раис акамиз Абдулла Муродов «ўзига хос» хусусийлаштиришни авж олдирди. Хусусан, уч йил илгари жамиятдан кетиб қолган (акцияси бор) ўғли Олим Муродовга бирлашма бошқарувининг 15 май 1998 йилги 22-сонли (эътибор беринг, Аҳрор 1995 йилдан буён сарсон) қарори билан 170 квадрат метрга эга бўлган Денов шаҳар А.Ниёзов кўчасида жойлашган савдо дўконини бор-йўғи 32 минг 887 сўмга хусусийлаштириб берди. Ҳар ҳолда саховат қилсанг ҳам ўзингникига қил экан-да... Бир кунимга яраб қолар, деган ниятда бирлашма раиси яна бир «хайрли» ишга қўл урди: савдо корхонасига қарашли, «Китоблр ва маданий моллар»га мўлжалланган бирлашма ҳисобидан қайта таъмирланаётган савдо дўконини ҳиссадорлар бирлашмасининг 1998 йил 29 сентябрдаги 46-сон қарори билан таниши Алишер Боймирзаевга «бино ичини қайта таъмирлашда амалий ёрдам кўрсатиш» баҳонаси билан инъом этиб юборди. Алишербой ҳам бўш келмади, қурилиш ишларига бош-қош бўлиб юрди. Дўкон битгач, юқоридаги қарорга асосланиб (гарчанд бирлашмага бирон сўм тўламаган бўлса-да), дўкон меники, деб туриб олди. Афсуски, шу дўкон қурилишига бирлашма хазинасидан 583 минг сўмлик маблағ харажат қилинган. Ахир, ҳиссадорларнинг пули сарфланган дўкон танишларга «совға» қилинса-ю, Аҳрордек сотувчи 5 йил сарсон бўлса... Озгина адолат ҳам керак-да!

Бирлашмага қарашли туппа-тузук нон ташиб юрган «Москвич ИЖ-212» русумли енгил автомашинани эса жияни Зокир Муродовга арзимаган пулга - мол бозоридан биттагина бузоқча берадиган пулга, яъни 28 минг сўмга хусусийлаштириб берди. Бу пулга бозордан ўша автомашинанинг иккита ғилдирагини харид қилиш мумкин. Саховатнинг қўли узун, деб шунга айтишса керак. Саховатпеша раиснинг бундай «ҳотамтой»лигига бошқа мисоллар ҳам бор. Бироқ айни пайтда раиснинг суянадиган «тоғлари» ҳам йўқ эмас, аксинча, унинг «тоғлари» ҳийла бақувват.

Ўтган йил октябр ойида у бирлашмадан бир девор нарёғда жойлашган Денов агросаноат комбинатига директорлик вазифасига сайланди. Энди сайланди десак, сал муболаға бўлар, чунки амалда юқоридаги айрим раҳбарлар тавсияси билан тайинланади. Кўз-очиб юмгунча бўлиб ўтган ҳиссадорлар йиғилишида жамиятга А.Муродов раис этиб тайинланди. Собиқ раис янги корхонада ҳам ўзининг «тадбиркорлигини» намойиш этди: ўзи раислик қилган Денов шаҳар улгуржи чакана савдо бирлашмаси қошидаги ёрдамчи хўжаликни мол-мулки билан агросаноат корхонаси балансига ўтказиб олди.

Янги раҳбар ўтириб қолган комбинатни тиклаб олишга киришди. Албатта, бунда унга эски «усули» иш берди, яъни ноқонуний йўлларни ишга сола бошлади. Мана, бир мисол: ўтган йилнинг 13 август куни кечқурун комбинат дарвозасидан чиққан Абдукарим Мелиев бошқараётган 81-72 ИСД номерли «ЗИЛ-130» русумли юк машинаси устига 140 халта биринчи навли ун ортилган эди. Ҳужжатсиз олиб кетилаётган ун маҳсулоти маъмурий орган ходимлари томонидан ушлаб қолинди. Денов туман ҳокимлигининг 801-сонли қарори билан агросаноат корхонасидан ҳужжатсиз чиқарилган бу ун мусодара этилиб, Денов туман улгуржи чакана савдо бирлашмасига қарашли 70-сонли магазин орқали аҳолига сотилиб, ундан тушган қарийб 500 минг сўм маблағ савдо бирлашмасига кирим қилинди. Агар бу маблағ комбинат ҳисобидан айланиб турганда ҳозир қанча фойда келтиришини иқтисодчилар яхши билишади.

Хуллас, турнанинг оёғи ўзидан узун экан-да?!.

Дарвоқе, бу ҳақда Сурхондарё вилоят «Сурхон тонги» газетасининг 1999 йил 1 декабр сонида «Саховатли» раис» танқидий мақоласи эълон қилинганди. Аммо мақоладаги фактлар сувга отилган тош каби изсиз кетди. Газета танқидий чиқишига жавоб ололгани йўқ.

**Собир ЁДИКОВ,**
**Мажид АБДУРАИМОВ,**
**Сурхондарё вилояти**

